

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz
www.insonvaqonun.uz
www.insonvaqonun.adliya.uz

2018 йил 24 апрель
сешанба № 16 (1116)



АДЛИЯ МИНБАРИ

ОБОД ҚИШЛОҚ ОДАМЛАРИНИНГ ҚАЛБИ ҲАМ ОБОД, МАДАНИЯТИ ҲАМ ЮКСАК БЎЛАДИ!



Муаллиф олган суратлар.

МАНАС ҚИШЛОҒИ:

Қисқа вақт ичида қайта тикланди!

- Э-й-ей, илгари бу ерлар айтулиги-дегулиги йўқ эди.
 - Урганиб қолувдик.
 - Қаровсиз эди.
 - Биров келса уялардик.
 - Очиғи, шундай яшашга кўниқиб ҳам қолувдик...
- (Бу эски Манас қишлоғи ҳақидаги гаплар).

БИЗНИНГ САВОЛИМИЗ: Бугунги Манас қишлоғи қандай?

Уларнинг жавоби:
— *Куриб турибсиз, Манас келинчакнинг уйдан ҳам чиройли.*
— *Манасга бугун ҳамма ҳавас қилади.*
— *Манасни бугун Республикаимизнинг барча ҳудудларидан кўргани, томоша қилгани келишяпти.*
— *Манас қайта туғилди.*
— *Манас Ўзбекистондаги энг чиройли қишлоқлардан бирига айланди. Бунинг учун мухтарам Президентимизга минг раҳмат.*
Бу оддий одамларнинг гапи, оддий инсонларнинг дил изҳори. Адлия вазирлиги мутасаддилари шу қишлоқда аҳоли билан ҳуқуқий, маданий тадбирлар ўтказди. Одамлар қонун ва ҳуқуқ олдига боришлари керак деган эски тушунчага барҳам берилди. Қонун ва ҳуқуқ одамлар ҳузурига пешвоз чиқди.

Манас халқи билан адлия мутасаддилари учрашувлари бўлиб ўтди.
Президентимизнинг ташаббуси билан кўрimsизгина қишлоқдан қисқа фурсатда обод ва гўзал масканга айланган Манас қишлоғи аҳлини эрта тонгда карнай-сурнай садолари “Адлия сайлига” чорлади. “Обод қишлоқ одамларининг қалби ҳам обод, маданияти ҳам юксак бўлади!” шиори остида ўтказилган халқ сайли дастлаб марафон билан бошланди.
Шундан сўнг аҳоли Адлия ходимлари томонидан сайёр қабулларга жалб қилинди.
Жиззах вилояти адлия бошқармасининг икки юз нафардан зиёд ходими Манас қишлоғи фуқаролари хизматида бўлишди. Сайлда икки юздан зиёд мурожаатлар ўрганилди. Фуқароларга ҳуқуқий тушунтириш берилди.
Сайл давомида “Обод хонадон”, “Намунали кайнона ва келин”, “Зиёли оила” номинациялари бўйича танловлар, спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Фолибларга эсдалик совғалари топширилди.
Бир гуруҳ таниқли ижодкор ва санъаткорлар тадбир иштирокчиларига кўтаринки кайфият улашди.
Адлия сайли ҳақиқий маънодаги халқ сайлига айланиб кетди.

Шухрат СУЯРОВ,
“Инсон ва қонун” муҳбири.

Энди АДЛИЯ ТИЗИМИДА

ТАШКИЛ
ЭТИЛМОҚДА:

- Республика бўйича жами 14 та юрдиқ коллеж тузилди. Коллеж битирувчиларига тест синвларини йўлланма асосида ТДЮУга ўқишга кирish имконияти берилди;
- биринчи марта туман (шаҳар)ларда АДЛИЯ БЎЛИМЛАРИ ташкил этилмоқда;
- ҲУҚУҚИЙ СИБЕАТ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ташкил этилмоқда;
- ЗАМОНАВИЙ ЮРИСТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МАРКАЗИ тузилмоқда, танловлар чет элди стажировкадан ўтади;
- вазирлик кузурда ЖАМОАТ КЕНГАШИ тузилмоқда

ВАКОЛАТ
ДОИРАСИ КЕНГАЙДИ:

- давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини таъмин қилиш;
- ташкилотларда қўнғичи қўллаш амалиятини таъмин қилиш ва тоғашли чоралар кўриш;
- республика манфаатларининг чет эл ташкилотларида қўнғичи қилиш;
- Барча қонун ҳужжатлари лойиҳалари фақат Адлия вазирлиги ҳуқуқсиз асосида Ҳуқуқматла юритилди

ИМКОНИЯТЛАР:

ТДЮУ

- +150 магистратурага қабул келгачи кўпайтирилди.
- 1 йил магистратурада ўқиш даври 1 йилга қисқартрилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат қўнғичи сибесатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тўбдан таномиллаштириш чора-тадбирларини тўғрисида”ги Фармонида

Жамшид ҒОҒУРОВ
тайёрлади.

АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ: Янгиликлар даврида

Президентимизнинг 2018 йил 13 апрелда “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.



Есемурат КАНЬЯЗОВ, Адлия вазири ўринбосари, Тошкент давлат юридик университети ректори:

Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти: МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

— ҲАЁТИМИЗДА кечаётган ҳар бир янгиликлар, ривожланиш жараёнини қонунларсиз тасаввур этиб бўлмайдими. Шу жумладан, ҳуқуқ соҳасида ҳам кенг ислохотлар ўтказилаётгани соҳа ривожига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Мазкур қабул қилинган Фармоннинг 8-бандига асосан Тошкент давлат юридик университетининг Ҳуқуқий тадқиқотлар маркази негизда Адлия вазирилик ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти ташкил этилмоқда. Етакчи илмий-тадқиқот эксперт муассасаси ҳисобланган институт Давлат бюджетни томонидан молиялаштирилиб, бошқарув ходимлари сони 25 нафардан иборат этиб белгиланган.

Мазкур институтнинг вазифалари сифатида қонунчиликни ва унинг тармоқларини ривожлантириш соҳасида илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш ҳамда илмий концепциялар асосида тегишли илмий-амалий тадқиқотлар ишлаб чиқиш, суд-ҳуқуқ, давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги муаммоларни қонуний ҳал этиш юзасидан хулоса ва тавсиялар тайёрлаш, қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказишда қатнашиш кабилар белгиланган.

Бугунги кунда аҳолининг ҳуқуқий оғи ва ҳуқуқий маданиятини ошириш мазкур соҳа тараққиоти этишининг асосий шартларидан биридир. Шундан келиб чиқиб, мазкур институтга ҳам тегишли вазифалар ва мажбуриятлар юклатилган. Хусусан, аҳолининг ҳуқуқий оғи ва ҳуқуқий маданиятини оширишнинг инновацион усуллари ҳамда усулларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Мазкур инновацион усуллар қуйидагилардан иборат:

- энг замонавий ахборот-коммуникация воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали ҳуқуқий ахборот ва маълумотларни манзилли равишда етказиш;
- онлайн режимида турли хил шикоят ва аризаларни, тақлифларни кўриб чиқиш;
- турли ҳудудларда масъул ахборот-таҳлилий гуруҳларни тузиш ва улар фаолиятини мувофиқлаштириш;

— норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда аҳолининг иштирок этишини кенгайтириш ва бошқаларни киритиш мумкин.

Институт зиммасига суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатлари қўлланилиш амалиётини таҳлил қилиш, уни такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш вазифаси ҳам юклатилган.

Бу борада институт Адлия вазирилик ҳузурида ташкил этилган бўлишига қарамастан, республика миқёсида суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг янги стратегик йўналишларини белгилаш ҳамда тегишли тартибда суд, прокуратура, ижро ҳокимияти, қонунчилик ҳокимияти фаолиятига доир қонунчилик базасини янада такомиллаштириш бўйича тақлиф ва тавсиялар тайёрлаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, республика миқёсида мавжуд бошқа тадқиқот институтига ўхшаш халқаро ва етакчи хорижий илмий-тадқиқот марказлари билан биргаликда тадқиқот тадбирларини олиб бориши мумкин. Масалан, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари таъминланиши, суд ҳокимияти мустақиллиги, адвокатура институти ривожлантириш, коррупция ҳамда одам савдоси жиноятларига қарши курашиш каби энг долзарб йўналишларда тақлифлар тайёрланади.

Бундан ташқари, нафақат миллий тадқиқот институти ва марказлари, балки энг ривожланган илғор хорижий давлатларнинг мазкур йўналишдаги марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш режалаштирилган. Хусусан, бу борада АҚШ федерал суд маркази (The Federal Judicial Center), Европа тадқиқотлар кенгаши (European Research Council), Олмон илмий-тадқиқот жамияти (DFG), Макс Планк илмий тадқиқотлар жамияти (MPG), Евроосиё қиёсий ва тадбиркорлик илмий-тадқиқот маркази (Россия Федерацияси), Япония таълим ва илмий-тадқиқот институти (The Legal Training and Research Institute of Japan), Корея ҳуқуқ маркази (The Korea Law Center) ва бошқа марказларни таъкидлаш мумкин.



Салоҳиддин САТТАРОВ, Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғи:

АДЛИЯ БЎЛИМЛАРИ ХАЛҚИМИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

— ЮҚОРИДАГИ Фармонга асосан туманлар (шаҳарлар)да адлия бўлимлари ташкил этилиши ҳамда уларнинг вазифалари белгилаб берилди.

Адлия вазирилик тизимида, шу кунга қадар мавжуд бўлмаган шаҳар-туман бўлимларининг ташкил этилиши мазкур Фармоннинг тарихий аҳамиятини янада оширади.

Туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимларининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди: ҳокимликларга ҳамда давлат органлари ва ташкилотларнинг туманлар (шаҳарлар) тузилмаларига қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш масалалари бўйича масъулликлар бериш;

давлат органлари ва ташкилотлари туман (шаҳар) тузилмаларининг қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таш-

кил этиш бўйича фаолиятига услубий раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш;

қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини туманлар тузилмаларидаги икромчиларга етказиш, “республика-вилоят-туман-маҳалла” принципи бўйича ҳуқуқий тарғибот ва аҳолининг ҳуқуқий саводсизлигига барҳам бериш борасида, шу жумладан, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи ва суд органлари билан биргаликда чора-тадбирларни амалга ошириш;

туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ва халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларини қонун ҳужжатларига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги нуктаи назардан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;

ҳуқуқий қўллаш амалиётини ўр-

ганиш ва таҳлил қилиш, унинг барқарорлиги ва бир хиллигини таъминлаш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш;

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, ўз ваколатлари доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқиш; давлат органлари ва ташкилотларининг туман (шаҳар) тузилмаларида ҳуқуқий ишларнинг ҳолатини мониторинг қилиш, шунингдек, уларнинг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва методик таъминлаш белгиланди.

Адлия вазириликнинг 2018 йил 14 апрелдаги 116-ум-сонли буйруғига асосан туман (шаҳар) адлия бўлими бошлиғи ҳудудий адлия органи раҳбарининг тақдирномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан лавозимга тайинланиши ва лавозимдан

озод қилиниши, адлия бўлимининг қолган ходимлари Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бошлиқлари томонидан суҳбат асосида лавозимга тайинланиши ва лавозимдан озод қилиниши белгилаб қўйилди.

Мазкур буйруққа асосан вилоятимизда туман (шаҳар) адлия бўлими ходимларининг умумий сони 46 нафарни (Денов, Қумқўрғон, Жарқўрғон туманлари ва Термиз шаҳрида 4 та, бошқа туманларда 3 та штат бирлигини) ташкил этади.

Шунингдек, бўлим бошлиғи тумандаги давлат нотариал идоралари фаолиятини назорат қиладиган ҳамда раҳбарликни амалга оширади.

Фармонга асосан туман (шаҳар) адлия бўлимлари бошлиқлари ҳар чорақда тегишлилигига туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашларига туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқий қўллаш амалиёти ҳолати бўйича ахборот тақдим этади.

Мазкур Фармон ва унинг ижроси юзасидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳамда бошқа идоравий ҳужжатлар жамиятда ҳуқуқий оғи ва ҳуқуқий маданиятнинг янада юксалишига хизмат қиладими.

Ойбек ХАКИМОВ, Адлия вазирилик Юридик таълим ва суд экспертизаси фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи:



Юридик кадрларни касб-хунарга ўқитиш маркази: УНДА КИМЛАР ҲАМ?

— ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Президентининг “Адлия вазирилик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида Тошкент Давлат юридик университети ҳузурида Халқаро стандартлар бўйича юридик кадрларни касб-хунарга ўқитиш маркази тузилиши белгиланди. Ушбу марказда олий маълумотга эга бўлган мутахассисларни юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курслари очилди. Мақсад мамлакатимизнинг турли жабҳаларида, давлат ва бошқа йўналишларда фаолият юритаётган қўллаб-қўллаш юридик маълумот бериш, бу орқали халқнинг ҳуқуқий саводхонлигини, ҳуқуқий маданиятини оширишдир. Шунингдек, марказда юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича касб-хунарга ўқитишда қисқа муддатли ўқув курслари ҳам

ташкил этилади. Ушбу ўқув курсида халқаро тижорат фаолияти, халқаро арбитражлар ва суд низо-ларини ҳуқуқий таъминлаш каби йўналишлар бўйича машғулотлар олиб борилади. Шу билан бирга марказда ўрта-махсус, касб-хунарга ва олий таълим муассасаларида ҳуқуқий фанлардан дарс берувчи педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари ҳам ташкил этилади. Марказда юридик мутахассис-

лик бўйича қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш тўлов-контракт асосида олиб борилади. Мутахассислар олти ой давомида ўқитилади. Битирувчиларга имтиҳон натижалари бўйича белгиланган намунада диплом берилади. Юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курсларини тугатган ва белгиланган намунадаги дипломни олган шахслар давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг юридик хизматларида иш-

лаш ҳуқуқига эга бўлади.

Адлия вазирилик томонидан Вазирлар Маъҳаммасига яқин кунларда юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлашга рухсат этиладиган олий таълим йўналишлари рўйхатини тасдиқлаш бўйича тақлиф қилинган. Ушбу рўйхатга мувофиқ юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлов курсларида ўқиши мумкин бўлган олий маълумотли соҳа вакиллари аниқ-

Шоқир САИДОВ, Сирдарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғи:



Юридик коллежлар: ҚАБУЛ, ИМКОНИЯТ, ЙЎЛЛАНМА

— ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ юқоридаги Фармонда адлия органларини “Одилонга қонунларни қабул қилиш, жамиятда қонунга ҳурмат руҳини қарор топтириш — демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир”, деган концептуал гояни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширилишини таъминлайдиган профессионал хизматга айлантириш назарда тутилган. Профессонал хизматни ташкил этишда, албатта, юксак билим ва салоҳиятга, мустақил дунёқарашга эга бўлган кадрлар керак. Бу кадрлар қаерда тайёрланади? Албатта, юридик таълим даргоҳларида. Ҳуқуқий билимларни мустаҳкамлашни бола мактабданок бошлаши керак. Ҳудудларда ташкил этиладиган юридик коллежлар эса касбий кўникма ҳосил қилишга, соҳага бевосита тайёрлашга хизмат қиладими.

Таъкидлаш жоиз, ҳудудларда ташкил этилаётган юридик коллежларга Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бошлиқлари раҳбарлик қиладими.

Мазкур Фармон эълон қилинган, фуқароларда кўпнақ ҳақли саволлар туғила бошлади. Бундан буён юридик коллеж ўқувчилари Тошкент давлат юридик университетига ўқишга имтиҳонсиз қабул қилинади? Маълумот ўрнида айтиш керакки, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб юридик коллежлари битирувчилари ТДЮУга худудий адлия органларининг йўлланмалари бўйича кириш тест синовла-

рисиз яқна тартибдаги суҳбат ўтказиш орқали бакалаврларни тайёрлашнинг махсус уч йиллик дастури бўйича ва ўқишни тугатгандан сўнг тақсимотга мувофиқ уч йил давомида узулсиз ишлаб бериш мажбуриятини олган ҳолда ўқишга киришга ҳақли.

Қайта ташкил қилинаётган юридик коллежлар ва академик лицейнинг 3-босқич ўқувчиларининг ўқиши уларни таълимнинг ўхшаш йўналишлари бўйича яқин жойлашган касб-хунарга коллежлари ва академик лицейнинг ўқувчилар контингентига қўшиш йўли билан ушбу таълим муассасаларида тамомланади.

Таъкидлаш керак, ҳудудлардаги юридик коллежлари амалда фаолият юритаётган коллеж ва академик лицейлари тугатилиши ҳисобига тузилмоқда.

Юридик коллежларига қабул қилиш ҳар бир ҳудуднинг “юриспруденция” йўналиши бўйича ўрта махсус, касб-хунарга таълимга эга бўлган кадрларга бўлган эҳтиёжини инобатга олган ҳолда Адлия вазирилик томонидан белгиланган квоталар бўйича танлов асосида қўйида келтирилган мутахассислик ва касбларга мувофиқ амалга оширилади:

1. Давлат хизматлари бўйича ҳуқуқшунос;
2. Кадрлар масаласи бўйича ҳуқуқшунос;
3. Агар секторда ҳуқуқшунос;
4. Шартнома масалалари бўйича ҳуқуқшунос;
5. Нотариат бўйича ҳуқуқшунос;
6. Адвокатура бўйича ҳуқуқшунос;
7. Ижро жараёни бўйича ҳуқуқшунос каби мутахассислар тайёрланади.

Акмалхон ИНАББАЕВ, “Адолат” нашриёти директори:



ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ ОЛИШГА КЕНГ ЙЎЛ

— ҚОНУНЛАР миллатнинг йўлини ёритувчи чироқ. Унда миллатнинг тарихи ва бугунги ўз ифодасини топади. Адолатли қонунлар эса бахтли келажакка йўл очади. Агар эътибор берсангиз, болалигидан китоб ўқиш улгайган одамнинг ҳаётини қараш бошқача бўлади. Ҳуқуқни яқин билган инсон эса, керакли вақтда тўғри хулосага келади, ҳаётда қўқилмайдими.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори адлия органлари ва муассасала-

ри олдида бир қатор муҳим вазифаларни қўйди.

Қарорга қўра, Адлия вазирилик ҳузуридаги Ҳуқуқий ахборот бўлими таъминлаш маркази ва “Адолат” нашриёти негизда давлат унитар корхонаси шаклидаги “Адолат” ҳуқуқий ахборот маркази ташкил қилинди.

Ташкил этилган янги марказ ноширлик йўналишида чорак асрлик таърибга эга нашриётимиз ҳаётида янги даврни бошлаб беради, десам адашмаган бўламан. Эндилкида янги ташкил этилган марказ аҳолига қонунчилигимиздаги ўзгаришларни, ҳуқуқий ахборотни ҳам электрон, ҳам расмий нашр

сифатида босма кўринишда етказиб беради. Янги йўналишдаги илмий хизмат асосида янги лойиҳалар бўйича ишлаймиз. Жумладан, аҳолининг турли қатламлари, ўқувчи ёшлар, кичик ёшдаги китобхонлар, имкониёти чекланган китобхонлар учун ҳам ҳуқуқий ахборот олиш имкониётлари кенгайди.


Шу ўринда алоҳида таъкидлаш ўқитиш истардим-ки, ҳар бир фуқаро, хоҳ ўш, хоҳ кекса бўлсин, ўз ҳаётида ҳуқуқий маслаҳатга эҳтиёж сезади. Ана шундай вақтда ҳуқуқий мавзудаги китоблар энг яқини, беминдор ҳам маслаҳатгўй бўла олади.

Ҳуқуқий нашрларимиз нафақат ҳуқуқшунослар, балки ҳуқуқий мавзуга қизиққан барча учун бирдек қизиқарлидир.

Шу кунгача кўп минг сонли китобхонларимиз “Адолат” нашр белгиси остида чоп этилаётган китобларни нашриётнинг ўзидан ёки пойтахтимиздаги нашриёт тасарруфидаги “Юридик адабиётлар” дўкони орқали харид қилиб келишга берилади. Аҳолининг ҳуқуқий адабиётларга бўлган талаб ва эҳтиёжини қониниб келиб чиқиб, босқичма-босқич вилоят марказларида ҳам ана шундай китоб савдо мажмуаларимиз иш бошлайди.

Шунингдек, нашриёт томонидан чоп этиладиган китобларни онлайн буюртма орқали ман-лят етказиш, аҳолига хизмат кўрсатишда электрон китоб шаклларида кенг фойдаланиш йўлга қўйилди. Электрон тизим имкониётларидан кенг фойдаланиб, ҳуқуқий зиёни ҳар бир хонадонга олиб киришни ният қилганимиз.

ЖУРНАЛИСТ МУАММО ҚҮЯДИ



НАМУНАЛИ тўй асосида турмуш қурган ёшларга ФХДЁ идоралари томонидан оила мустаҳкамлигини сақлашга оид китоблар совға қилинмоқда. Ушбу хайрли ташаббус ҳақидаги хабар қўлогимизга чалинди. Демакки, фуқароларни никоҳдан ўтказувчи ушбу идоралар ёшлар маънавиятини юксалтириш ва оилалар мустаҳкамлиги бора-бора муносиб фаолият олиб бораёпти. Кўнгилмиздан уларнинг фаолиятини иборат қилиб кўрсатиш нияти ўтди.

Эслаб ўтамиз, газетамизнинг ўтган сонларида “Тахририят рейд ўтказмоқчи” руқни остида фуқароларнинг намуналий тўй ўтказишларида ФХДЁ органлари-


нинг саъй-ҳаракатлари қандай олиб борилаётганини ўрганиш масаласида мақола чоп этилган эди. Шу сабабдан ФХДЁ органларига йўл олдик. Тошкент шаҳридаги бир қанча ФХДЁ идоралари томонидан маҳалла фуқароларини йиғиб, тўйларни ихчамлаштириш, ёш оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида тушунириш ва тарғибот тадбирларининг мунтазам ўтказиб борилаётганлиги таҳсинга сазовор. Бироқ, биз Президентимизнинг оила қурган ёшларга китоб ҳада этиш ҳақидаги тақлифи ҳусусида идораларда қандай ишлар олиб борилаётгани, уларнинг бу масалада қандай режа ёки

Ҳомийлик маънавияти йўлида бўлса-чи?

лоийҳаси борлиги билан қизиқдик. Афсуски, тахририят рейд ўштирган ФХДЁ идоралари ва никоҳ уйларининг бирортасида хайрли ташаббус ёхуд бирор лойиҳа амалга оширилаётганига дуч келилмади.

Албатта, ҳар бир давлат ташкилоти қонун доирасида иш олиб бориши керак ва ёш оилаларга китоб ҳада қилинсин, деган қандай йўқ. Бироқ, маънавият, маърифат масаласи-чи? Китобхонлик, мутлоа сабаб руҳият покланиб, қалбларга зугулик инеди, тафаккур сарчасмаси очилади. Ёшлар билими, салоҳияти, шубҳасизки, китобхонлик сабаб юксалишга кўтарилади. Бугун давлатимиз раҳбарининг китобхонликни тарғиб қилишга қаратилган шу каби давъатлари барчамизга ёд бўлиб кетдику!

Аммо шуни ҳам эътиборга олиш керакки, турмуш қураётган ҳар бир ёш оилаларда китоб ҳада қилиш учун бундай идораларда доимий маблағ бўлиши керак. Шу онда ҳаёлимиздан оний бир фикр ўтади. Мамлакатимизда ва бутун дунё миқёсида ҳам ҳомийлик ишлари, ҳомийлик ташкилотлари туфайли қанчадан-қанча хайрли ишлар амалга оширилади. Бу орқали кимнингдир оғирингил бўлади, қай бир ташкилотнинг моддий аҳоли яқинланади ва шу жойдан нон тоғувчиларнинг иши ривож топади. Агар худди шундай ҳомийлик маънавият йўлида бўлса-чи? Аслида маънавиятга ҳомийлик қилиш унчалик оғир иш эмас. Қани эди, мамлакатимиздаги барча ФХДЁ органлари ва никоҳ уйларида китоблар билан таъминлаш учун алоҳида маблағ ажратилса ёки фонд ташкил этилса. Бир тасаввур қилайлик, битта китоб ҳада



Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”и қайси келинга сеп бўлишга арзизмайди?

эти билан ундан шунчаки қизиқишга бўлса-да, бир саҳифа ўқиган инсоннинг қалбига қанча ёруғлик олиб кириши, келажак авлоднинг бунёдкорларини оқил ва софидил этиб тарбиялашга қай даражада ҳисса қўшиши мумкин. Бунинг учун тегишли ташкилотларга, масалан, Адлия вазириликка, туман, шаҳар ҳокимликларига хайрли ташаббусни илгари суриш тақлифини киритмоқчимиз. Оила қурган ҳар бир

жуфтликка никоҳ уйлари ва ФХДЁ органлари томонидан китоб совға қилинса ва бунинг учун тегишли ташкилотлар маблағ ажратса барпо этилажақ оилалар, дунёга келажак келгуси авлодлар маънавий камолоти учун эзгу ишга қўл урган бўлар эдик.

Грузин келинларининг сарпосига, Шота Руставелининг “Йулбарс терисини ёпинган пахлавон” асари, албатта, қўшиб берилар экан. Миллатнинг ўзлигини акс эттирувчи, қаҳрамонлик ва мардлик, жасоратни тананум этувчи ушбу поэма, демакки, ҳар бир грузин хонадониде бўлиши, ёш келин-куёв дostonни ўқиши, балки ўқиган бўлиши керак, деган тушунча мавжуд. Шу ўринда ижтимоий тармоқларда қолдирилган изоҳларнинг бирида Андижон давлат университети Филология факультети доцентининг ҳақли равишда айтган фикрини келтирмоқчимиз: “Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”и қайси келинга сеп бўлишга арзизмайди”.

Биз орзу қилган ушбу ташаббус йўлга қўйилса, бориб-бориб бу ҳолат яқин бир аънамага айланган. “Ўзбек келин-куёвини қўлида китоб билан янги ҳаёт оstonасига кузатар экан”, деган фахрли оқишлар янграган бўлар эди.

Маҳдия АВАЗОВА, “Инсон ва қонун” муҳбири

ХАЁТ ВОҚЕАЛАРИ

ОВЧИ ЙИГИТ ва БЎРИ...



БИР куни овчи йигит милтигини елкасига олиб, бўрибосар итини етаклаб тоққа овга чиқибди. Тоғда бир неча бедана ва каклик этибди. Ови бароридан келган овчи йигит хуш кайфиятда тоғдан паства ташлаётган маҳал кўзи бир горга тушибди. Аста горга кириб, не кўз билан кўрсинки, ичкарида ургочи бўри 2 та боласини эмизди ётганмиш. Овчи йигитни кўрган она бўри тишларини кўрсатиб ириллабди. Йигит шоша-пиша ургочи бўрини милтиги билан отиб ташлабди. Бўрибосар эса бўри болаларини ғажиб ташлабди. Овчи йигит кечаси уйига қайтиб келибди. Дўстларини уйига чақириб, зиёфат берибди...

Қизчамдан айрилдим! Бўри қасос олгани келди! деган фикр ярқ этибди. Шунда эркак бўри аста қизалоқнинг устига энгашиб, унинг юзларини искабди ва йигитга қараб мунгли овозда увлалди. Масофа қанчалик узоқ бўлмасин, йигит бўрининг кўзларидан оққан ёшни кўриб турарди. Бўри чақмоқдай тезлик билан югуриб девордан сакрабди ва кўздан ғойиб бўлибди. Овчи йигитнинг ранги оқариб кетган, бўлиши муқаррар бўлган мудҳиш воқеадан кўрқанидан бутун вужудидан тер куйилар, оёқлари қалтирар, тили каллимага келмасди. Аранг қадам босиб бориб, қизчасини кучоқлаб, хўнграб ййглаб юборди! Ҳа, бўри унинг фарзандини авайлаган эди! Ҳатто, шу тилсиз, онгсиз, энг ваҳший жонот ҳам болага раҳм қилганди! У эса инсон бўла туриб бўри болаларига ачинмаганди... Йигит милтигини тошга уриб синдириб ташлабди ва қайтиб ов қилмасликка қасам ичибди.

Баҳодир МУҲАММАДИЕВ, Юнусобод туман "Кулол-Қўрғон" жоме масжиди имом-ноиб

ИНСОНИАТ НОМИГА ИСНОД

ЖОРИЙ йилнинг 19 февралдан "Россия 1" телеканали орқали намойиш этилган кўп сериали "Кровавая барыня", яъни "Қонхўр хоним" фильмининг кўпчилигимиз томоша қилдик. Ундаги одамларни азоблаш, калтаклаш ва ўлдириш каби лавҳаларни кўрганамизда "эртасимон бадийий тўқимада", деб ўйладик. Лекин фильм қахрамони Дарья Николаевна Сальтыкова ёвузлиги билан ўз замонасини титратган, золим ва жаллод номи билан машҳур реал шахс бўлганлиги, ўта шафқатсизлиги туфайли у инсон номига тушган доғ, дея аталишини ҳамма ҳам билвермас керак.

Нобель мукофотининг совриндори ёзувчи Иван Бунин бу аёлнинг қилмишларидан дарғазаб бўлиб, "Ақлдан озган Сальтычихани жазосиз қолдириш бизнинг аср учун кечириб бўлмас иснод", деган эди. Бу вақтда Сенат Сальтычиханинг жиноий қилмишларини шунга ухшаш бошқа ишлар билан бирга кўриб чиққан, лекин унга нисбатан бирон-бир жазо тайинланмаган эди.

Ўз ҳўжайинлари томонидан ўлдирилган крепостнойлар жумласидан: помещик аёл хизматкори Маринани эмизлик боласи билан ўлғунча калтаклаган. 2 нафар крепостной қизчалар помещик Борзенковнинг қамчилари остида жон таслим қилишди. Поручик Турбин ўз кўли билан 3 нафар крепостнойни калтаклаб ўлдирган. Яна бир ёш хизматкор қиз Унтершхтмейстернинг (тоғ инженерининг ёрдамчиси) хотини уни қорда ялангоёқ турғизиб обдон калтаклагандан сўнг совуқ хонага қамаб қўйиши оқибатида ўлим толган. Бу каби ўнлаб ваҳиёна қотилликлар Сенатгача етиб келганларига эди, холос. Ими-жимиде ерга кўмиб юборилган, аъзойи бада-ни калтақдан титилиб кетган мурдаларнинг сони қанчаллиги фақат Яратганга аён. Улар орасида Сальтычиханинг ёвуз қилмишлари алоҳида ажралиб турарди. У томонидан содир этилган 138 та қотиллик расман қайд этилган.

ШУНЧАКИ ПЎПИСА...

Сальтычиханинг ғазабига дучор бўлганлардан бири Аграфена Агафоновна

ҚОНХЎР БОЙВУЧЧА

САЛЬТЫЧИХА

жазодан қутулиб қололмади

ванинг ҳаётдан насибаси узилмаган экан. Бойвучча қари хизматкорининг ёшига ҳам, кўп йиллик садоқатига ҳам қараб ўтирмай, арзимаган хатоси учун уни бир неча соатлаб калтаклашга амр этди. Қўл-оёғи синса-да омон қолгани учун Аграфена "уранингиз ун оши, сўканингиз сўк оши", дея умрининг охиригача бекасининг ёмонлигини ашириб яшади. Лекин омади чолмаганларнинг ҳаёти аянчли тарзда яқун топди. Масалан, Сальтычиха ўз қўллари билан Максимова Акулинанинг сочлари куйиб битмагунча унинг танаси ва бошига ёниб турган чўғни босиб турган. Устинова Екатеринбург бошига эса бозиллаган дазвол билан бир неча бор урган. Унинг учун оддий ҳолга айланган бу каби шафқатсиз жазолар турлари кўп эмас, оз эмас олти йил, яъни 1756 йилдан 1762 йилгача давом этди. Шу тариқа икки ҳафтада бир марта амалга оширилган қотилликка одамлар кўниб қолгандай эди. Гувоҳларнинг сўзларига қараганда бу қотилликларнинг барчаси эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган. Яъни, "аслида бойвучча хонимнинг уларни ўлдириш нияти бўлмаган, шунчаки пўписа қилмоқчи эди, холос... Лекин негадир шундай бўлиб қолди".

Масалан, Дарья Николаевна ўз кўли билан норасида крепостной Лукьян Михеевнинг адабини бериб қўймоқчи бўлди. Гўдак болани боши билан деворга атиги бир-икки марта айлантириб урган эди, тасодифан боши ёрилиб, ўлиб қолди.

Лекин Сальтычиха кимнидир астойдил жазолашга қарор қилганда, унинг тасаввур бойлиги ва қатъиятига ашаддий жаллодлар ҳам тан бермай ило-

жи йўқ эди. Ёш хизматкор Хрисанф Андреевни бир ярим сутка давомида қийноққа солишти. Аввалига қаҳратон совуқда обдон савалашди. Калтаклашга Хрисанфнинг туғишган амакисини ҳам мажбуран жалб қилиниши жазолаш жараёнига янада ажабтовур тус берди. Сўнгра калтак зарбидан беҳуш йигитни тунбўйи "ўзига келиши учун" қор устида қолдиришди. Эрталаб бойвуччанинг шахсан ўзи ишга киришди. Бир неча соат давомида хизматкорини калтак билан астойдил савалади. Кейин қизиб турган темир қисқич билан қўлогидан тортиб судради. Кейин эса жони қаттиқ хизматкорининг бошига қайноқ сув кучида ва яна калтаклашга тушди. Бекасига қасдма-қасд хизматкорнинг жони чиқай демасди. Қора терга тушган жаллод хоним уни оёқлари билан тепкилашга тушди. Бу ҳам етмагандай чапалжон танасининг устига қичиб сакради.

АДОЛАТНИНГ ТАСОДИФИЙ ТАНТАНАСИ

Ҳақиқатан кўрқинчли эртас. Агар Сальтычиха устидан чиқарган суд ҳукмини назарга оласак, унинг поёни ҳам эртаслардагидек адолат тантанаси билан яқун топгандек: "Унинг ёвуз қалби ҳар қандай ёрулқидан, ўзи ҳар қайсики инсон зоти билан мулоқот қилишдан буткул маҳрум қилинган ҳолда ерости зиндонда умр-бод қамоқ жазосига маҳкум қилинсин. Бузуқ қонидан айниган танаси Яратганнинг ҳукмига ҳавола этилсин".

Лекин битта лекин бор. Адолат тантанаси ўзини узоқ куттирди. Сабаби, Сальтычиханинг жиноятини тергов қилишни ҳеч ким истамасди.

Тўғрироғи, дворян хонимнинг томири жуда бақувват бўлгани учун журъат

қилишолмади. Чунки биринчидан, Буюк Пётр сафдошларидан бири Автоном Ивановнинг невараси ва азалий асп-зода Сальтыковлар вакилининг беваси эканлиги учун.

Иккинчидан, Дарья Николаевна қонхўр бўлишига қарамай, жуда ақлли аёл эди. Деярли барча чиновниклари сотиб олганди. 6 йил давомида Сальтычиха устидан келиб тушган 21 та шикоятнинг бирортаси кўриб чиқилмаганлиги ҳам буни тасдиқлайди. Аризачиларнинг барчаси шафқатсиз бекалари қўлига топширилди ва уларнинг ҳаёти жуда қисқа, аммо узоқ чўзилган укубатли ўлим билан яқунланарди. Фақат 1762 йилга келиб ёвуз Сальтычихадан қочган 2 нафар крепостной деҳқонларга омад қилиб боқди. Уша йили 28 июнь куни давлат тўнариши натижасида тахти Екатерина II эгаллади ва уларнинг шикояти адолат тарафдори бўлган киролчанинг шахсан қўлига келиб тушди. Шундан кейинги ишлар бутунлай тескари томонга айланади. Қонхўр хонимнинг қўлларига охир-оқибат қишан солинади. Аввалига ҳеч ким "Дунёда унга бас келадиган куч йўқ", дея унга қарши гувоҳлик беришни исташмади. Сальтычихани олиб кетишга келишганларида у "Барибир менга ҳеч нарса қилолмайсилар", деб қулди. Уч йиллик тергов ва уч йил давом этган суд жараёнидан сўнггина Екатерина II нинг хизмати ва аралашуви билан ёвуз хонимга юқоридаги жазо тайинланди.

Рус тилидан "Инсон ва қонун" муҳбири Фарида ҚОРАҚУЛОВА таржимаси.

ЖАҲОННИ ЎРГАНАМИЗ

ДУНЁ ДАВЛАТЛАРИ КОНСТИТУЦИЯЛАРИ

БУЮК БРИТАНИЯ

БУЮК Британияда ҳозиргача яхлит ҳужжат сифатида амалда қўлланадиган конституция мавжуд эмас. Қизиғи шундаки, Британиянинг энг қадимги конституцион низоми Урта асрларда қабул қилинган. Бу ерда гап 215 йилдаги Буюк Озодлик қонуни ҳақида бормоқда. Бу ҳужжатлар Англия

ҳуқуқий тизимининг асосий пойдевори бўлиб хизмат қилади. Британия конституцион ҳуқуқида инсон эркинлиги индивидуал ҳуқуқлари ҳисобланиб, қуйидаги: "ҳар ким қилиши лозим бўлган иш — қонунан тақиқланмаган тарзда амалга оширилади" тамойилига асосланган бўлади.



Тарихдаги ИЛК сугурталар

РОССИЯДА
РОССИЯДА сугурталаш ва сугурта шартномасига тааллуқли муносабатлар бошқа мамлакатлардагига нисбатан анча суст ривожланган. Бунга ҳамон крепостнойлик ҳуқуқи сақланиб қолгани ва ҳуқуқий капиталистик иқтисод йўлидаги тусқуқлар сабаб бўлган.

1827 йили барон Штиглицтис ва россиялик бошқа тадбиркорлар "Россия ённинг қарши сугурта жамияти"ни туздилар. 1861 йил крепостнойлик ҳуқуқи бекор қилинган ҳамда ер, мулк, пул-кредит тизими ва бошқа иқтисодий ислохотлардан кейин мамлакатда сугурта бозори янада ўса бошлади. Агар 1851 йили ённинг сугурталаш жами 282 миллион рубль бўлган бўлса, 1865 йили 868 миллион, 1886 йили 4 миллиард рублни ташкил қилган. Айнан шу даврда сугурталовчилар сугурта синдиқати тариф моллашувини имзолашди. Россияда бу биринчи монополия бирлашмаси эди.

1861 йил 10 октябрда император Александр II шаҳарларда сугурта жамиятларини тузиш тўғрисида фармон чиқарди. Икки йилдан сўнг Тула ва Полтавада ённинг қарши жамиятлар ташкил топди. Кейинчалик бундай жамиятлар Россиянинг бошқа шаҳарларида ҳам пайдо бўлди.

1913 йилга келиб, Россияда транспорт, ҳаёт, бахтсиз ҳодиса ва ённинг оид сугурта турлари билан боғлиқ шартномалар кўпайди. Лекин улар орасида ҳаётни сугурталаш унчалик ривожланмаган бўлиб, жами сугурта шартномаларининг тўртдан бир қисмини ташкил этарди. Аниқроғи, уша кезлар

сугурта кўпроқ фуқароларнинг эмас, балки давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилари. 1918-1920 йиллардаги фуқаролар уруши туфайли ҳокимиятни эгаллаган большевиклар сугурталашдан воз кечишга ҳаракат қилишди. Оқибатда, ҳаёт сугуртаси ва мулк сугурта бекор қилиниб, уларнинг ўрнига табиий офатдан зарар кўрганларга бепул ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди. Лекин бу сиёсат амалда ўзини оқламади. 1921 йил март ойида янги иқтисодий сиёсат (НЭП) жорий этилган, сугурталашга эътибор яна кучайди. Жумладан, Давлат мулк сугуртаси тўғрисидаги декрет қабул қилинди. Шу асосда Давлат сугуртаси (Госстрах) ташкил топди.

ИТАЛИЯДА

Италия Урта ер денгизи атрофидаги савдо алоқаларининг гегемони ҳисобланган. Бу мазкур мамлакатда денгиз сугуртаси жуда тез ривожланишига замин яратган. Маълумотларга кўра, 1393 йили Италияда ҳар бир нотариус ҳафта мобайнида ўртача 80 нафар миқоз билан сугурта полиси тузган.

Италияда денгиз сугуртаси ва у билан боғлиқ шартномавий муносабатлар ривожланиши туфайли сугурта қонунчилигини яратиш эҳтиёжи туғилди. Ниҳоят, 1466 йили Венецияда Денгиз сугуртаси кодекси қабул қилинади.

АНГЛИЯДА

Манбаларда дастлабки ёзма сугурта шартномаси XVI асрда Англияда тузилгани ҳам қайд этилган. Шу аср ниҳоясида мамлакатда сугурта



фаолияти ва сугурта шартномаларини расмийлантириш жадал ривожлана бошлаган. 1559 йилда сэр Н.Бекон Англия парламенти йиғилишларидан бирида шундай деган: "Сафарга отланаётган ҳар бир ақлли савдогар пулини сугуртага тикиб, ўз кемасини ҳимоя қилсин".

Европада жамият ривожига шаҳарларнинг роли ошиши натижасида кемалардан бошқа мулкларни ҳам сугурта қилдиришга зарурат туғилади. 1666 йили Лондонда содир бўлган даҳшатли ённинг 70 мингдан ортиқ одамнинг умрига зомин бўлди. Орадан кўп ўтмай сугуртанинг ённинг хавфидан сугурталаш тури вужудга келиб, унга дахлдор шартномалар тақомиллашади. Сугурта шартномаларининг кўпайиши сугурта жамиятлари ва компаниялари тузилиши, уларнинг сони ортиши билан узвий боғлиқликда кечади.

ГЕРМАНИЯДА

Ҳар бир сугурта компанияси ўз фуқароларига ғайриоддий хавфлар, масалан, бензинга бўлган нархнинг ошиши ёки инсонни бирон-бир ўза сайёралик томонидан ўғирланишидан сугурта тақлиф қилган. Ушбу фирма бошқа давлатлар, жумладан, Германияда ҳам ўз ишини юргизиш учун расмий рухсат олишга эришган. Бу ерда одамлар ўзларини тўсатдан лифдта қамалиб қолиш ёки қамоққа тушиб қолишдан сугурта қила олишади.

РЕКЛАМА

Хурматли юртдошлар!

"АСАКА" банки

"ON-LINE КОНВЕРСИЯ"

хизматини тақлиф этади.

Банкнинг сўм пластик карточкаси эгалари ўз маблағларини **"online"** режимида хорижий валютага конвертация қилиш орқали халқаро пластик карточкага ўтказиш имкониятига эга бўлдилар. Конвертация **"ASAKA MOBILE"** мобил иловаси орқали амалга оширилади.

Шу билан бирга, фойдаланувчилар "ASAKA MOBILE" мобил иловаси орқали қуйидагиларни амалга ошириш имкониятига эгадирлар:

- ҳисоб рақам қолдиги ва пул айланмалари тўғрисида маълумотларни олиш;
- коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловларни амалга ошириш;
- интернет-провайдерлар ва уяли алоқа хизматлари учун тўловларни амалга ошириш;
- пластик картадаги маблағларни бошқа пластик карталарга ўтказиш;
- микознинг омонати ва кредити қолдиги буйича маълумотларни олиш;
- кредит ва унга ҳисобланган фоизларни сўндириш;
- банк янгиликлари билан танишиб бориш.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

(0371) 120-13-45, 120-39-86, 120-39-81, 120-39-68.

"Асака" банк — сизнинг фаровон ҳаётингиз хизматида!

www.asakabank.uz

ИНСОН ВА ҚОНУН		Бош муҳаррир		ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:		Навбатчи Фарида Қорақуллова		Нашр индекси: 137		МАНЗИЛИМИЗ:					
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ www.minjust.uz		2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рийҳатга олинган		Жўраев Нодир Савриддинович Каримов Бобур Боходирович		Искандаров Ёрбек Нурбекович Эргашева Дилфуза Рустамовна Мамадалиев Зайиддин Очипович		Саҳифаловчи- дизайнер Жамшид Ғофуров		"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда. 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уюмда chop этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ушбу сонда ЎЗА суратларидан фойдаланилди.		Тиражи — 12999 Буқуртма — V-1492 Топшириш вақти — 19:00 Топширилди — 21:40		100 000, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-35. Факс: (0371) 233-44-23, (0371) 233-44-08 Обуна бўлими: 233-44-09 Баҳоси келишилган нарҳда	
		Кўчқор НОРҚОБИЛ								1 2 3 4 5					